



Савол:

Ассаламу алайкум. Мен сизлардан ҳижрат ҳақида ёки бўлмасам илм учун бошқа шаҳарга агар ўз атрофида ҳамма илм беришдан кўрқса, хуллас илм олишни умуман иложи бўлмаса, бошқа шаҳарга, юрга бориш учун ота-онадан рухсат сўраладими, агар рухсат беришмаса нима қилинади? Илтимос саволимга тўлиқ ва аник, ёки бир чуқур маслахат берсангиз, жавобингизни кутиб қолувчи биродарингиз.

Жавоб:

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ.

Хурматли биродар, Аллоҳ талаби илмга бўлган мухаббатингизни зиёда қилсин. Талаби илм қилиш иккига бўлинади: фарзи айн ва фарзи кифоя. Мусулмон киши роббисини таний оладиган ва ибодатларини тўғри қила оладиган даражада илм олиши фарзи айн ҳисобланади. Ҳар бир киши буни қилиши лозим. Бундан зиёда илм олиш фарзи кифоя, уни баъзилар қилса қолганлардан соқит бўлади. Фарзи айн бўлган илмни мусулмон ота-она, aka-укалар ва яқин кишилардан ўрганса бўлади. Фарзи кифоя илмни ўрганиш учун уйидан ташқарига чиқмоқчи бўлган киши албатта ота-онасидан рухсат олиши керак. Агар улар рухсат берсалар яхши, бўлмасам уларга итоат қилиш фарз. Уларни хизматини қилиб, қўлидан келган илмни олаверади. Пайғамбаримиз ота-онасини йиғлатиб қўйиб жиҳодга чиқмоқчи, яна бир ривоятда ҳижрат қилмоқчи бўлиб келган кишини ота-онасига қайтиб, уларни қандай йиғлатган бўлса, шундай кулдиришга буюрганлар. Яна бир саҳоба жиҳод учун келганида ота-онаси ҳақида сўрайдилар, уларнинг борлигини айтганида, улар олдида (хизматларини қилиб) жиҳод қил деб буюрганлар. Уламолар ўз

китобларида жиҳодга чиқишга ота-онанинг рухсати шарт деганлар, илмга чиқишга шарт бўлиши авлорокдир.